

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc-03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРОВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

УДК: 334.75:33М (575.1)

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторферати мундарижаси

Оглавление авторферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам

Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences

<b>Носирова Наргиза Жамолiddин кизи</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш.....	3
<b>Носирова Наргиза Жамолiddин кизи</b> Повышение экспортного потенциала малого бизнеса и частного предпринимательства.....	27
<b>Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi</b> Increasing the export potential of small business and private entrepreneurship.....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ	55
List of published works.....	55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИОСИРОВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДДИН КИЗИ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ**

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иктисодиёти

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/1q/1078 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ташкент давлат иқтисодий университетига бажарилган.  
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.isue.uz](http://www.isue.uz)) ва «Ziyou» ахборот-тўғилым портални ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz))да joylashtirilgan.

**Илмий раҳбар:** Шамшиева Наргизахон Носирхужа кизи  
иқтисодийет фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Сунонов Дилмурод Холмуродович  
иқтисодийет фанлари доктори, профессор

Муродова Нодира Куллиевна  
иқтисодийет фанлари доктори, профессор

**Етажчи ташкилот:** Ташкент молия институти

Диссертация хиломси Ташкент давлат иқтисодийет университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2020.1.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 09 соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Ташкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@isue.uz](mailto:tdiu@isue.uz)

Диссертация билан Ташкент давлат иқтисодийет университетининг Ахборот-ресурс марказида танишнинг мумкин (1178 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 100066, Ташкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@isue.uz](mailto:tdiu@isue.uz)

Диссертация авторферати 2022 йил «31» 08 кунни тарқатилди.  
(2022 йил «31» 08 даги 23-рақамли реестр баённомаси)



**М.П. Эшов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Д.М. Мавлянова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

**Ш.Дж. Эргашходжаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий сўёсатнинг стратегик вазифаси сифатида жадал суръатларда ривожлантирилмоқда. «Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ялли ички махсулотининг 55-67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Японияда 52-57 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этади. Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхонанинг 90,9 фоизи кичик бизнес корхоналари хисобланади. Уларнинг хиссасига умумий саноат хажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, курилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келмоқда. Бирок жаҳондаги ривожланган мамлакатлар экспортининг қарийб 30-40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 27 фоизни, Японияда 15 фоизни ташкил этади». Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада ошириш устувор аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Жаҳонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда уларнинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг кўшимча ички имкониятларини очиб бериш, хўжалик юритиш жараёнида хусусий манфаат ва ижтимоий масъулиятни уйғунлаштириш механизмини такомиллаштириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш тизimini такомиллаштириш, глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий кўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, кичик бизнес корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бири хисобланади. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидлариға кенг йўл очиб берилди. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ

ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади»<sup>2</sup>. Бугунги кунда мамлакатимиз ялли ички махсулотининг 56 фоизидан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссага тўғри келмоқда ва уларнинг экспортдаги улуши 20,5 фоизни ташкил этмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялли ички махсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш<sup>3</sup> сингари устувор вазибалар белгилаб берилган. Мазкур вазибаларнинг самарали ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сон «Хулудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 31 августдаги 554-сон «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавулодда қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-марифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муъмомнинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари хорижий мамлакатларнинг катор олимлари, жумладан S.Badal, A.S.Kritikos, R. Nallari, O.J.Ademola, I.Hathaway, R.E.Litan, T.Mickiewicz, F.W.Nyakudya, N.Theodorakopoulos, F.Kellermanns, J.Walter, T.R.Crook, B.Kemmerer, V.Narayan, V.Dobes, J.Fresner, C.Krenn, C.Rinaldi, S.Cortesi, H.Rawhouser,

J.Villanueva, N.Boso, C.Danso, A.Leonidou, M.Uddin<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Ф.Ф.Хамидуллин, М.М.Хайит, Я.Е.Иванов, А.П.Жабин, Е.В.Волкова, Г.И.Яковлев, Ю.О.Машина, Л.Ф.Гилемханова, Ю.А.Запольских, Т.К.Гусейнова, С.В.Третьякова, П.С.Плешаков, О.В.Артемова, Н.М.Логочева, И.Ю.Нестеренко, В.М.Багинова, В.Г.Беломестнов, Т.Саал, Т.Савенкова, В.Б.Дубелова, А.В.Олисаева, С.Ю.Цёхла, Е.А.Полищук<sup>5</sup> ва бошқалар кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари тадқиқига эътибор қаратганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни, уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари мамлакатимизнинг катор олимлари, жумладан, Ё.А.Абдуллаев, Ф.Ф.Каримов, М.Р.Болтабаев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Х.П.Абужошимов, А.А.Қулматов, С.Ш.Турабеков, М.М.Мухаммедов<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан

<sup>4</sup> Nallari, R., et al. (2010). A Primer on Policies for Jobs. The World Bank; Ademola, O.J. (2014). Working capital management and profitability of selected quoted food and beverages manufacturing firms in Nigeria. *European Journal of Accounting Auditing and Finance Research*, 2(3), 10-21; Mickiewicz, T., Nyakudya, F. W., Theodorakopoulos, N., et al. Resource endowment and opportunity cost effects along the stages of entrepreneurship. *Small Bus Econ* 48, 953-976 (2017); Franz Kellermanns, Jorge Walter, T. Russel Crook, Benedict Kemmerer & Vadale Narayanan (2016) The Resource-Based View in Entrepreneurship: A Content-Analytical Comparison of Researchers' and Entrepreneurs' Views, *Journal of Small Business Management*, 54(1), 26-48; Dobes, V., Fresner, J., Krenn, C., Rinaldi, C., Cortesi, S., et al. Analysis and exploitation of resource efficiency potentials in industrial small and medium-sized enterprises - Experiences with the EDIT Value Tool in Central Europe. *Journal of Cleaner Production*, Volume 159, 15 August 2017, Pages 290-300. Rawhouser, H., Villanueva, J., Newber, S.L. Strategies and Tools for Entrepreneurial Resource Access: A Cross-disciplinary Review and Typology. *International Journal of Management Reviews*, Apr 21, 2016; Boso, N., Danso, C., Leonidou, A., Uddin, M. Does financial resource slack drive sustainability expenditure in developing economy small and medium-sized enterprises? *Journal of Business Research*, Volume 80, November 2017, Pages 247-256; Human Resource Strategies and Sustainability in Small Businesses by Christopher M. Rice Doctoral Study Submitted in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Doctor of Business Administration Walden University December 2018.

<sup>5</sup> Гилежанова Л.Ф., Запольских Ю.А. Предпринимательский потенциал // *Экономические науки*. - №46-2. 19.05.2016 - <https://novinfo.ru/article/6043>; Гусейнова Т.К. Инновационный потенциал - важнейшая составляющая экономического потенциала // В сборнике «Актуальные проблемы науки, экономики и образования XXI века». - 2012. - С.85-92. - URL: <http://ebsciencen.ru/lib/10859>; Третьякова С.В., Плешаков П.С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение // *Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал)*, № 9 (17), 2012. - [www.sisr.pkrts.ru](http://www.sisr.pkrts.ru). - С.5.; Артемова О.В., Логочева Н.М., Нестеренко И.Ю. Ресурсы для развития малого и среднего предпринимательства региона. // *Социум и власть*, 2018, № 2 (70), С.48-55; Багинова В.М., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. // *Известия Иркутской государственной экономической академии*, 2015. Т. 25, № 6. - С. 999-1003.; Саал Т., Савенкова Т. Экономический и инновационный потенциал малого бизнеса. // *Финансовая жизнь*. - М.: Академия менеджмента и бизнес-администрирования, 2014. - С. 22-31.; Дубелова В.Б., Олисаева А.В. Экономический потенциал малого предпринимательства Северо-Кавказского федерального округа // *Фундаментальные исследования*, 2015. № 2-26. - С. 5864-5868; Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. Механизм формирования и развития потенциала малого предпринимательства в сфере создания новых рабочих мест на региональном рынке труда. // *Российское предпринимательство*, 2017. Том 18. № 17. - С. 2587-2598.

<sup>6</sup> Алимовлов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитланган хизматларнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. - Т., 2018.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. - Т., 2017.; Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланган назарий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. - Т., 2016.; Абдуллаев А.Ж. Қурилаш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий-иқтисодий самардорлигини ошириш стратегияси (Тошкент вилояти мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). - Т., 2019.; Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар). Дис.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. // *Халқ сўзи*, 2020 йил 25 январь.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспорт салоҳиятини баҳолаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти динамикасини эконометрик тадқиқ этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар экспортини самарали амалга оширувчи воситачи экспорт ташкилотларини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан воситачи экспорт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини баҳолаш услубийтини такомиллаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишни эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини воситачи экспорт ташкилотларини ташкил этиш орқали ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти олиingan.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш жараёнида юзага келувчи ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, корреляцион ва регрессон таҳлил, SWOT таҳлил, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли (давлат, ихтисослашган ва тижорат) шакллардаги воситачи экспорт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар экспортни самарадорлигини ошириш таклифи асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортга ёрдам берувчи воситачи экспорт ташкилотлари фаолияти янги бозорларни ўзлаштириш орқали савдо ҳажмларини оширишга йўналтирилган стратегик харитани ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг воситачи экспорт ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини баҳолаш услубийти бевосита ва билвосита экспортни амалга ошириш харажатлари ўзгаришини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

экспорт квоталари ва валюта курси ўзгаришини эътиборга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари махсулот ва хизматлари экспорт салоҳиятини оширишнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

ўрганилган. Шунингдек, У.В.Гафуров, Н.К.Муродова ва бошқаларнинг илмий ишларида, А.Ж.Абдуллаев, М.М.Балтабаева, Ғ.Л.Ёзиев, М.М.Ибрагимова, М.А.Маширпובה, Ф.Ш.Рашидова, М.С.Рустамов, А.Ғ.Тўйчиев, Қ.Н.Тўхсанов, Н.Б.Файзуллаев, Д.Т.Юлдашев, С.Б.Ғойиназаров ва бошқаларнинг тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари ўрганилган. Аммо юқорида қайд этиб ўтилган тадқиқотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Маъмур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323-сонли «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мамлакатнинг экспортни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини аниқлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш;

... т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Ёзиев Ғ.Л. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат инновацион ривожлантириш салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари (Осие-Тичч океани минтақаси мамлакатлари таърибаси мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Маширпובה М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Рашидова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (тарихий ёндашув). Дис. ... т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиятини илгор хориж таърибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Тўйчиев А.Ғ. Кичик бизнесга инновационлар трансферини молиқлаштириш механизмининг такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Тўхсанов К.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Файзуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Ғойиназаров С.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Меҳмонова Д.Д. «Минтақаларда ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш омили ва улардан самарали фойдаланиш». Иқтисодий фанари номланиши илмий даражасинини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДПУ, 2006.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича илгор хорижий мамлакатлар тажрибасидан республикамиз амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспортини ташкил этиш жараёни схемаси ишлаб чиқилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспортини ташкил этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

давлат томонидан ташкил этиладиган, уюшма шаклида ташкил этиладиган ҳамда тижорат воситачи экспорт ташкилотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик схемаси ишлаб чиқилган;

экспорт воситачи ташкилотлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш таклифи асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бевосита экспорт ва воситачи экспорт ташкилотлари томонидан билвосита экспортни амалга оширишдаги молиялаштириш харажатлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар экспорти самарадорлигини оширишда воситачи экспорт ташкилотларини шакллантириш механизми ишлаб чиқилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан воситачи экспорт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлаш, экспортни ривожлантиришга қаратилган дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, прогноз кўрсаткичларини асослаш, шунингдек, кичик бизнесга оид ўқув адабиётларини тайёрлаш ва илмий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли (давлат, ихтисослашган ва тижорат) шакллардаги воситачи экспорт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар экспорти самарадорлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт фаолиятига жорий этилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 14 октябрдаги 11/03-15-7292-сон маълумот-номаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт салоҳияти 4,3 фоизга ошган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортга ёрдам берувчи воситачи экспорт ташкилотлари фаолиятини янги бозорларни ўзлаштириш орқали савдо хажмларини оширишга йўналтирилган стратегик харитани ишлаб чиқиш асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт фаолиятига жорий этилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 14 октябрдаги 11/03-15-7292-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт салоҳияти 3,7 фоизга ошган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг воситачи экспорт ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини баҳолаш услубиёти бевосита ва билвосита экспортни амалга ошириш харажатлари ўзгаришини ҳисобга олиш асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт фаолиятига жорий этилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 14 октябрдаги 11/03-15-7292-сон маълумотномаси). Ушбу услубиётни амалиётга жорий этилиши натижасида Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичи 2,2 фоизга ошган;

экспорт квоталари ва валюта курсининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари махсулот ва хизматлари экспорт салоҳиятини оширишнинг 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таркибидagi корхоналарнинг экспорт фаолиятига жорий этилган (Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 14 октябрдаги 11/03-15-7292-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткич-ларидан 2025 йилгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёригиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишнинг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти ўрганилган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини шакллантириш хусусиятлари тадқиқ этилган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини баҳолашнинг услубий асослари кўрсатиб берилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири экспортни ривожлантириш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини ошириш ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Мамлакат экспорт салоҳиятини фаоллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий ўсишнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «экспорт салоҳияти» категориясини белгилашда турлича ёндашулар мавжуд. Масалан, А.Б.Борисов уни «потенциал қобилият, мамлакатнинг мавжуд ёки ишлаб чиқарилган ресурсларини экспорт қилиш қобилияти» деб таърифлайди. Иқтисодий энциклопедияга «экспорт салоҳияти» фақат экспорт қилиш қобилиятини эмас, балки «бутун миллий ишлаб чиқариш саноат, алоҳида тармоқлар ёки корхоналарнинг зарур миқдордаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти» деб таърифланади.

Муаллифнинг фикрича, Ю.А.Савинов ва А.Ю.Мигунов экспорт салоҳиятининг энг муваффақиятли талқинини тақлиф этадилар: «экспорт салоҳияти миллий иқтисодиёт, унинг соҳалари, тармоқлари, корхона ва компанияларнинг илм-фан ютуқларига асосланган жаҳон бозорларида рақобатбардош товар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир»<sup>7</sup>. Бизнинг фикримизча, «экспорт салоҳияти» деганда мавжуд ресурсларни, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки хизматларни экспорт қилиш имконияти тушунилади.

Ҳозирги кунда кичик бизнес корхоналарининг экспорт салоҳиятини баҳолашда С.С.Морозов томонидан тақлиф этилган экспорт салоҳиятини баҳолаш услубийи энг асосий услубийи саналади (1-жадвал).

Бирок, муаллифнинг фикрича, бу услубийи куйидаги сабабларга кўра кичик бизнес корхоналарининг экспорт салоҳиятини объект баҳолаш имконини бермайди:

бундай таҳлил ташқи бозорга чиқишда юзага келувчи мураккаб ва рискли вазиятларда корхона таянчи мумкин бўлган имкониятлар, ресурслар, билимлар, кўникмалар ва маҳоратни баҳолаш имконини бермайди;

бу таҳлил экспортни амалга оширишда корхонанинг муваффақиятга эришиш имкониятларини ошириш учун яхшиланганга эҳтиёж сезувчи ички ресурс ва имкониятлар даражасининг салбий томонларини аниқлаш имконини бермайди.

МДХ мамлакатларида экспорт салоҳиятини баҳолашнинг эксперт баҳолаш усули кенг тарқалган.

### 1-жадвал Корхона экспорт салоҳиятини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш алгоритми	Кўрсаткич тавсифи
Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш самарадорлиги	$E_{op} = \frac{E_c}{E_p}$ , бу ерда: $E_c$ - экспорт маҳсулотининг ички нарҳдаги қиймати; $E_p$ - экспорт маҳсулоти таннаҳи	Кўрсаткич қанча катта бўлса, бу маҳсулот турини ишлаб чиқариш шунчалик максалда мувофиқ бўлади
Инновацион маҳсулот улуши	$A_{in} = \frac{I_p}{I_c}$ , бу ерда: $I_p$ - инновацион маҳсулот миқдори; $I_c$ - маҳсулотнинг умумий миқдори	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот миқдорига нисбатини белгилаб беради ва ташқи бозорга чиқариш мумкин бўлган маҳсулот улушини тавсифлайди
Экспорт маҳсулотини сотиш самарадорлиги	$E_s = \frac{E_{pro}}{E_{op}}$ , бу ерда: $E_p$ - экспорт маҳсулотини сотишдан олинган фойда, $E_{pro}$ - экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш харажатлари	Кўрсаткич қанча катта бўлса, ушбу маҳсулот турини экспортга чиқариш шунчалик максалда мувофиқ бўлади

Бир қатор МДХ олимлари экспорт салоҳиятини баҳолаш максалида корхонанинг экспорт фаолиятига тайёрлигини белгиловчи эксперт диагностикаси усулини тақлиф этадилар<sup>9</sup>:

1. Ишлаб чиқариш. Корхонада мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, оморлар сингими, шунингдек, таъминотчилар сифати баҳоланади.
2. Логистика. Божхона операциялари ҳақидаги билимлар, субпудратчиларнинг ишончлилиги ва самарадорлиги, буюртмаларни ўз вақтида бажара олиши баҳоланади;

<sup>8</sup> Морозов С.С. Методики оценки экспортного потенциала. – М.: ЭКСМО, 2014. – 133 с

<sup>9</sup> Оценка экспортного потенциала предприятия. // Электронная библиотека 2000–2014. URL: www.ciberlinka.ru (дата обращения: 03.06.2021)

<sup>7</sup> Савинов Ю.А., Мигунов А.Ю. Государственная финансовая поддержка экспорта в России // Российский внешнеэкономический рынок. – 2008. – №5

3. Молия. Корхонанинг кредитта лаёқатлилиги, шунингдек, акциядорлик капитал ва ўз капиталининг ҳажми баҳоланади.

4. Бозор. Ички ва ташқи бозорда сотув ҳажми, корхонанинг товар ва хизматларининг рақобат устуңликлари баҳоланади.

5. Нарх. Корхона товар ёки хизматлари таннарихнини шакллантириш жараёни, маҳсулот нархини бошқа валюталарга мослаш имконияти баҳоланади.

6. Юридик жиҳатлар. Корхонанинг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, халқаро савдо қонунчилиги ва шартнома тузиш бўйича билимлардан фойдаланиш қобилияти баҳоланади.

Ҳар бир мезон беш балли шкала бўйича баҳоланади, сўнгра ҳар бир мезон бўйича натижалар қўшилади<sup>10</sup>.

Корхонанинг экспорт салоҳиятини Н.Г.Серованинг «Бренд» услубиёти ёрдамида ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин, у қуйидаги элементлар таҳлилини ўз ичига олади<sup>10</sup>.

- корхонанинг товар структурасида бренд маҳсулот улуши;
- корхонада брендларни бошқариш даражасини баҳолаш;
- сотувдан кейинги хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш;
- корхонанинг логистика тизимини баҳолаш;
- персоналнинг малакавий даражаси.

Н.Г.Серованинг фикрича, ташқи бозорга чиқишда корхона муваффақиятининг гарови экспортчи корхонанинг ҳам, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг ҳам бренди мавжудлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхона фаолиятида энг муҳим кўрсаткич маҳсулотни экспорт қилмоқчи бўлган бозор даражасига мувофиқлигини аниқлаш корхонадаги брендинг даражасини акс эттирувчи кўрсаткичдир. Бу омиллар, шубҳасиз, ташқи бозорга чиқувчи корхона учун муҳим аҳамиятга эга. Бирок, бу услубиётнинг муҳим камчилиги шундаки, муаллиф бренд даражасини қандай ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатмайди ва молиявий таркибий қисмни ҳисобга олмайдди. Экспорт салоҳиятини баҳолашнинг энг кўп қўлланилувчи усулларини таҳлил қилган ҳолда, математик кўрсаткичларни бирлаштирувчи услубиёт ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида экспортга йўналтирилган кичик бизнес корхоналарида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун салоҳият мавжудлиги, бироқ бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаслиги аниқланади. Кимё, озик-овқат, тикув-трикотаж саноати корхоналари экспорт фаолиятини юритиш учун қатта имкониятларга эга эканлиги аниқланади. Ўзбекистон Республикасида экспортга йўналтирилган кичик бизнес корхоналарининг аксарияти ўргача экспорт салоҳияти даражасига эга, шунинг учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ташқи савдо инфратузилмасини такомиллаштириш талаб этилади.

Яқин келажақда экспортга йўналтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг истиқболли стратегиялари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш учун эҳтиёж мавжуд бўлган хизматлар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

мамлакатда экспортга йўналтирилган кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш ва фаоллаштириш соҳасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимида ягона сиёсатни амалга оширишда масъул бўлган таркибий бўлинмани шакллантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада такомиллаштириш;

солик ва божхона сиёсатини эркинлаштириш асосида давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш.

Хулоса қилиб айтганда, бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик бизнес хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати ва экспорт фаолияти таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хозирги ҳолати таҳлил қилинган ҳамда ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ривожланиш ҳолати баҳоланган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти динамикаси тадқиқ этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2020 йилда 55,7 фоизни, саноатдаги улуши 27,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,0 фоизни, инвестицияда 49,7 фоизни, қурилишда 72,4 фоизни, савдода 82,2 фоизни, хизматлар соҳасида 51,5 фоизни, экспортда 20,5 фоизни, импортда 51,8 фоизни ташкил этди ва бандликнинг 73,8 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2020 йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари худудлар кесимида ўрганилса, ялли худудий маҳсулотдаги энг кўп улуш Жиззах (82,7%), Сурхондарё (77,1%), Хоразм (75,3%), Бухоро (74,7%) ва Наманган (73,7%) вилоятларига тўғри келди. Жами саноат маҳсулотига КБХТнинг улуши 27,8 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич худудлар кесимида ўрганилса, Жиззах вилоятида жами саноат маҳсулотининг 64,2 фоизи, Наманган вилоятида 50,0 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди (2-жадвал).

<sup>10</sup> Морозов С.С. Методики оценки экспортного потенциала. – М.: ЭКСМО, 2014. – 133 с.

2-жадвал  
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2020 йилда ҳудудлар бўйича асосий кўрсаткичлари<sup>11</sup>

Республика ва вилоятлар	Фаолият юритаётган КБХТ субъектлари		ЯҚМДАдаги улуши, фоизда	Саноат-даги улуши, фоизда	Хизматлар-даги улуши, фоизда	Экспорт-даги улуши, фоизда
	сон, бирликда	улуши, фоизда				
Қорақалпоғистон Республикаси	18288	4,4	56,2	23,9	3,0	6,5
Андижон	31683	7,7	68,9	20,0	6,7	32,7
Бухоро	24809	6,0	74,7	34,8	5,8	10,0
Жиззах	17725	4,3	82,7	64,2	2,7	8,4
Қашқадарё	25297	6,2	69,9	34,7	6,3	8,3
Навоий	17931	4,4	25,5	6,6	3,0	8,7
Наманган	26531	6,4	73,7	50,0	5,2	25,8
Самарқанд	33114	8,1	73,9	45,5	8,8	21,5
Сурхондарё	21563	5,2	77,1	47,3	4,7	15,7
Сирдарё	13360	3,2	69,2	37,3	1,6	10,7
Тошкент вилояти	40223	9,8	48,3	20,8	10,3	40,9
Фарғона	36117	8,8	67,9	45,9	8,3	35,4
Хоразм	18875	4,6	75,3	29,5	3,6	11,0
Тошкент шаҳри	85687	20,8	45,8	38,7	30,0	51,7
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>411203</b>	<b>100</b>	<b>55,7</b>	<b>27,8</b>	<b>51,5</b>	<b>20,5</b>

2020 йилда мамлакат бўйича жами экспорт ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 20,5 фоизни ташкил қилган. Жами экспортда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушини ҳудудлар кесимида қараганда, энг кўп улуш Тошкент шаҳри (51,7%), Тошкент (40,9%), Фарғона (35,4%), Андижон (32,7%) ва Наманган (25,8%) вилоятларига, энг паст улуш эса Қарақалпоғистон Республикаси (6,5%), Қашқадарё (8,3%), Жиззах (8,4%) ва Навоий (8,7%) вилоятларига тўғри келган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи ошиши орқали ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2015 йилдаги 10,0 фоиздан 2020 йилда 27,8 фоизга, кишлоқ хўжалигида мос равишда 95,7 фоиздан 97,0 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 82,2 фоизга, юк ташишда 24,6 фоиздан 40,0 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24,0 фоиздан 49,7 фоизга, экспортда эса 6,0 фоиздан 20,5 фоизга қадар ошди.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида, аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи аҳамиятта эгаллиги ҳисобланади. Хусусан, 2020 йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши 100 миң тадбиркор ихтиёрида 10 триллион сўм маблағ қолиши имонини берди. 2023 йилдан бошлаб, бу солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга тушириш мўлжалланмоқда. 2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилади. 2023 йилдан мол-мулк ва ер солиқлари бирлаштирилиб, ягона кўчмас мулк солиғи жорий қилинади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги улуши 2010 йилда 13,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда йилда 27,2 фоизни ташкил этди. Пандемия туфайли бу кўрсаткич 2020 йилда 20,5 фоизни ёки 4634,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот турлари бўйича экспорт динамикаси<sup>12</sup>


Маҳсулот турлари	Йиллар						Ушш сурати, %да	
	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.га нисбатан	2015 й.га нисбатан
Тикув-трикотаж маҳсулотлари	846,9	901,0	1090,5	1268,6	1596,7	1868,5	117,0	220,6
Минерал Уғитлар	116,7	124,2	155,1	128,2	134,5	136,0	101,1	116,5
Чарм-пойабзал маҳсулотлари	121,4	129,1	136,0	166,2	195,7	223,9	114,4	184,4
Йпақ ва йпақ маҳсулотлари	19,7	21,0	30,9	49,9	71,8	49,9	69,5	253,0
Дон ва ун маҳсулотлари	5,2	5,5	46,4	70,1	104,6	218,6	209,0	4211,6
Қурилиш материаллари	146,2	155,5	185,0	195,0	210,0	225,0	107,1	153,9
Бошқа саноат маҳсулотлари	503,0	535,1	568,6	473,6	636,5	650,6	102,2	129,3
Мева-сабзавот маҳсулотлари	564,9	564,9	655,5	892,7	1249,8	1080,4	86,4	191,3
Пахта толаси	599,0	637,3	477,1	222,1	281,6	146,9	52,1	24,5
Хизматлар	7,9	8,5	9,5	13,1	23,2	34,7	149,7	436,9
<b>Жами:</b>	<b>2931,0</b>	<b>3082,0</b>	<b>3354,6</b>	<b>3479,6</b>	<b>4504,5</b>	<b>4634,5</b>	<b>102,9</b>	<b>158,1</b>

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосан кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, чарм-пойабзал, тикув-трикотаж маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ амалий санъати буюмлари ҳамда турли хизматларни экспорт қилмоқда.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



муайян тармоқдаги имкониятларини бирлаштириб, ягона оморни яратиш, шунингдек, ташқи бозорларда алоқалар ўрнатиш ва мамлакат ичидаги давлат идоралари билан мулоқот қилиш учун нисбатан юқори имкониятни назарда тутади. Бундай уюшмаларнинг яратилиши, айниқса, тегишли тармоқнинг рўёга чиқарилмаган имкониятларидан фойдаланиш орқали муайян турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш муаммоси юзага келганда самарали бўлади (2-расм).




2-расм. Уюшма шаклида ташкил этилган воситачи экспорт ташкилотлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик схемаси<sup>14</sup>

Тижорат воситачи экспорт ташкилотлари фаолияти куйидагича амалга оширилади: воситачилар, тижорат фирмалари бўлгани ҳолда, турли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқа қилади,

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси.  
20

улардан маҳсулотлар сотиб олади ва маҳсулотларни яқиний ишлаб чиқаришни амалга оширади, барча ишлаб чиқаришдан кейинги функциялар – қадоқлаш, оморларга жойлаштириш, сақлаш, божхона қонунчилиги томонидан талаб қилинган ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини бажаради ва шундан кейин тайёр маҳсулотларни экспорт қилади (3-расм).



3-расм. Тижорат воситачи экспорт ташкилотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқалари схемаси<sup>15</sup>


Тадқиқот ишида муаллиф томонидан воситачи экспорт ташкилотларининг самардорлигини асословчи стратегик харита ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур харита воситачи экспорт ташкилотларининг стратегик максалларини изчил таҳлил қилиш ва улардан истиқболда самарали фойдаланиш имконини беради.

Мазкур харита экспорт билан бирга ишлаб чиқаришдан кейинги, аммо ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлмаган бир қатор функцияларни бажарувчи воситачи экспорт ташкилотлар учун тузилган. Унга кўра, воситачи

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

экспорт ташкилотларининг асосий мақсади янги бозорларга кириб, савдо хажмларини ошириш, стратегик ҳаритада белгиланган мақсадларни амалга оширишга эришишдан иборат. Ишлаб чиқилган воситачи экспорт ташкилотлари тузилмалари кўп функционалликни кўзда тутиши ҳамда ички ва ташқи бозорларда ҳам бир нақтнинг ўзида қатнашиши сабабли, асосий муваффақият омилларидан бири саналади.

Таҳлилларга кўра, республикада экспорт воситачилик соҳаси бўйича фаоллият юритувчи, малакали мутахассисларга талаб йилдан-йилга ортти бормоқда. Шу боис, жаҳон талабларига мос тажрибали мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузурида Ташқи савдо олий мактабини ташкил этиш тақлиф этилади (4-расм).



